



O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

# ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

---

# O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI

2 / 2018

# МУНДАРИЖА

## Тиалшунослик

Д.Худойберганова. Лингвостилистика: янгича ёндашув ва талқинлар .....	3
Ш.Кўчимов, О.Юлбарсов. Қонун ижодкорлигига услуг масалалари.....	8

## Адабиётшунослик

Д.Куронов. Лирик асар композицияси .....	14
И.Ҳаққул. Ҳамза абдияти .....	23
Й.Солижонов. Янгианаётган лирик “мен” .....	28

## Фольклоршунослик

Т.Мирзаев. “Гўрўғли” туркуми достонларининг дастлабки нашри ҳақида.....	33
М.Жўраев. Чўлпон юлдузи билан боғлиқ астраль мифлар .....	44

## Илмий ахборот

Ю.Ибрагимов. Ўзбек халқ шевалари лексикасини хариталаштириш муаммолари.....	54
Н.Улуқов. Чустий маснавийсининг лингвопоэтик хусусиятлари.....	57
М.Ҳакимова. Ўзбек тилида абстракт сифатлар .....	61
Д.Ҳасанова. Семасиология муаммоларига доир .....	66
Н.Умурзоқова. Сегмент қурилмалар прагматик тадқиқ объекти сифатида .....	71
М.Рахимова. Сўзниң семиотик хусусиятлари .....	76
Ш.Сирожиддинов. Олам манзараси тушунчасига доир .....	80
Б.Ражабова. Лутфий ғазаллари бадииятига доир .....	87
Г.Ашуррова. Мұхаммад Алиниң “Навоий ва Бойқаро” драмаси .....	94
Б.Бўронова. Таржимада ибораларнинг берилishi .....	99
Д.Тўраева. Романда мажозий тасвир кўлами .....	103
А.Қаюмов. Деталь ва бадиий тасвир .....	107
З.Содиқов. Диний сўзлар таржимасида транскрипция ва транслитерация .....	110
Г.Курамбоева. Қорақалпогистондаги ўзбек тили шоирлар .....	113

## Фанимиз заҳматқашлари

И.Ҳаққул, Э.Очилов. Сайфиддин Рафииддин. ....	117
---	-----

## Танқид. Тақриз. Библиография

Ш.Искандарова, Н.Улуқов, Ё.Одилов. Ассоциатив тиалшуносликка оид янги тадқиқот .....	119
Э.Очилов. “Макорим ул-ахлоқ”нинг тўлиқ илмий-изоҳли таржимаси .....	121
Янги нашрлар .....	124

## Илмий ҳаёт

Гафур Гулом таваллудининг 115 йиллигига бағишлианди.....	127
Хотира анжумани .....	127
Уммат Тўйчиев.....	128

# СОДЕРЖАНИЕ

## Языкоизнание

Д.Худойберганова. Лингвостилистика: новые подходы и толкования.....	3
Ш.Кучимов, О.Юлбарсов. Проблема стиля в законотворчестве.....	8

## Литературоведение

Д.Куронов. Композиция лирического произведения .....	14
И.Хаккул. Бессмертия Хамзы .....	23
Й.Салижонов. Преобразуемое лирическое “Я”.....	28

## Фольклористика

Т.Мирзаев. О первом издании дастанов из цикла “Гороглы”.....	33
М.Жураев. Астральные мифы, связанные со звездой Чулпан.....	44

## Научное сообщение

Ю.Ибрагимов. Проблемы картографирования лексики узбекских народных диалектов.....	54
Н.Улуков. Лингвопоэтические особенности месневи Чусти.....	57
М.Хакимова. Абстрактные прилагательные в узбекском языке .....	61
Д.Хасанова. О проблемах семасиологии.....	66
Н.Умурзокова. Сегментные конструкции как объект прагматических исследований.....	71
М.Рахимова. Семиотические особенности слова.....	76
Ш.Сирожиддинов. О понятии картины мира .....	80
Б.Ражабова. Художественность газелей Лютфи .....	87
Г.Ашуррова. Драма Мухаммада Али “Навои и Байкарo” .....	94
Б.Бурунова. Передача фразеологизмов в переводах.....	99
Д.Тураева. Охват аллегорического описания в романе .....	103
А.Каюмов. Деталь и художественное изображение .....	107
З.Содиков. Транскрипция и транслитерация в переводе религиозных слов .....	110
Г.Курамбоева. Узбекоязычные поэты в Каракалпакстане.....	113

## Деятели науки

И.Хаккул, Э.Очилов. Сайфиддин Рафиддин. ....	117
--	-----

## Критика. Рецензия. Библиография

Ш.Искандарова, Н.Улуков, Ё.Одилов. Новое исследование в ассоциативной лингвистике .....	119
Э.Очилов. Полный научно комментированный перевод книги “Макорим ул-ахаок”.....	121
Новые издания .....	124

## Научная жизнь

Посвящается 115 летию со дня рождения Гафура Гуляма.....	127
Памятная конференция.....	127
Уммат Туйчиев.....	128

## CONTENT

### Linguistics

D.Khudaybergenova. Linguostylistics: new approach and interpretations .....	3
Sh.Kuchimov, A.Yulbarsov. Stylistic problems in Law creation.....	8

### Literature studies

D.Kuranov. Composition of lyrical poem.....	14
I.Hakkul. Hamza's eternity.....	23
Y.Solidjanov. The updating lyric "I".....	28

### Folklore studies

T.Mirzaev. About first editions of dastans of the "Gorogly" circle .....	33
M.Juraev. Astral myths regarding to star Chulpan.....	44

### Scientific information

Y.Ibragimov. Problems of mapping of the dialect of Uzbek dialects.....	54
N.Ulukov. Linguoptic peculiarities of Chustiy's masnaviy.....	57
M.Hakimova. Abstract adjectives in the Uzbek language .....	61
D.Hasanova. Regarding to Semasiology problems .....	66
N.Umurzaqova. The segment constructions as a object of pragmatic research.....	71
M.Rahimova. Semiotic features of word .....	76
Sh.Sirajiddinov. Regarding to World picture concept .....	80
B.Rajabova. regarding to literary peculiarities of Lutfi gazels. ....	87
G.Ashurova. The drama "Navoi and Baykara" by Muhammad Ali .....	94
B.Buranova. Phraseologisms in the literary translation.....	99
D.Turaeva. Methaphorical description' sphere in novel.....	103
A.Kayumov. Detal and literary description .....	107
Z.Sadikov.Transcription and transliteration in religious words translation .....	110
G.Kurambaeva. Uzbek-creation poets in Karakalpakstan.....	113

### Doers of science

I.Hakkul, E.Achilov. Sayfiddin Rafiddin. ....	117
---	-----

### Criticism. Review. Bibliography

Sh.Iskandarova, N.Ulukov, Y.Adilov. A new research on associative linguistics .....	119
E.Achilov. Complete scientifically-interpreted translation of "Makarim ul-ahloq" ..	121
New editions .....	124

### Scientific life

115 <sup>th</sup> anniversary of Gafur Gulom .....	127
Memory conference .....	127
Ummat Tuychiev.....	128

МЧЖ "IPAK YO'LI POLIGRAF" босмахонасида чоп этилди. Буюртма №12.

Манзила: 100170, Тошкент. Авайхон кўчаси, 98А-уй.

Қоғоз бичими 70x108 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма.

Офсет қоғози. Arno Pro гарнитураси.

Шартли-босма т. 8,25. Тиражи 460 нусха. Келишилган нарҳда

яратилғанлиги, гоявий таъсирчанлиги, шеърият мухлислари дилига яқинлиги боис севиб ўқилади ва тингланади.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада Чустий қаламига мансуб "Ин dampаслар олами" маснавийсининг лингвопоэтик хусусиятлари ёритилган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье освещаются лингвопоэтические особенности месневи "Чусти "Ин dampаслар олами" (Мир молчунов).

**RESUME.** The article describes the linguophetic features of the "Silents World" masnaviy of Chusty.

**Таянч сўз ва иборалар:** маснавий, панднома, лингвопоэтика, аллитерация, анафора, такрор, инверсия.

**Ключевые слова и выражения:** месневи, диадтика, лингвопоэтика, аллитерация, анафора, повтор, инверсия.

**Key words and word expressions:** masnaviy, didactics, linguopoetic, alliteration, anaphora, repetition, inversion.

Мұхайді ҲАКИМОВА

## ЎЗБЕК ТИЛИДА АБСТРАКТ СИФАТЛАР

Маълумки, абстракт лексикани нафақат *бахт*, *қувонч* каби от, балки *ўйламоқ*, *англамоқ* каби феъл, *ақлли*, *одобли* каби сифатлар ҳам ташкил этади. Шу тарзда тиљуносликда абстракт отлар билан бирга абстракт феъллар ва абстракт сифат ҳам ажратилади.

Абстракт феъллар ножисмоний характердаги, яъни бевосита кузатиш мүмкин бўлмаган ҳаракат, ҳолатларни (*ўйламоқ*, *эсламоқ*) ифодалайди. Ўзбек тиљунослигидаги бу каби феъллар тафаккур феъллари сифатида тадқиқ қилинган<sup>1</sup>.

Рус тиљуноси Н.А.Пилипенконинг таъкидалишича, феъл туркумида абстракциянинг яна бир кўриниши мавжудки, абстракт отлар билан семантик қуршовдаги конкрет феълларнинг маъносига ҳам абстрактлашади<sup>2</sup>. Масалан, маъносига кўра конкрет ҳисобланган келди феъли *бахт*, *қувонч*, *фикр*, *ўй* каби абстракт отлар қуршовида абстракт маъно касб этади: *бахт* келди, *фикр* келди. Шу ўринда таъкидаш жоизки, абстракт тушунчаларни ифодаловчи сўзларнинг қуршови қайси сўз туркумлигидан қатъи назар, албатта, абстракт моҳият касб этади. Зоро, абстракт моҳият номи билан семантик-синтактик болганган ҳар бир лексик бирлик абстрактликка тааллуқли бўлиши аниқ. Масалан: *бахтнинг калити*, *бахтнинг турфа ранглари*, *ширин бахт*, *бахти кулмоқ* каби. Албатта, бундан "инсон" семали сўзлар мустасно: *менинг бахтим*, *Кумушнинг бахти*, *ишининг бахти* каби. Абстракт от билан семантик қуршовда ортирилган абстрактлик мазкур қуршов учунгина долзарб бўлиб, ушбу ҳолат мазкур феълни абстракт маъноли феъл дейишга асос бўла олмайди. Масалан, *бахти кулди жумласида* кулди лексемаси *бахт* лексемаси таъсирида абстракт моҳият касб этмоқда. Бу ҳолат эса *кулди лексемасини* абстракт лексема дейишга асос бўла олмайди.

<sup>1</sup> Расулов Р. Ўзбек тиљидаги ҳолат феълларининг облигатор валентлиги. Тошкент: Фан, 1989.

<sup>2</sup> Пилипенко Н.А. Развитие абстрактных значений у глаголов с приставкой ваз- (воз-, вз-) в истории русского языка. КД. Ростов-на-Дону, 2001.

Абстракт отлар предметдан ажратилган белги-хусусият (қўрқоқлик), ҳолат (газаб), муносабат (ишонч), ҳаракат (изланиш) кабиларни номлайди. Белги билдирувчи сўзлар, асосан, сифат ва равиш сўз туркумига оид сўзлардир. Сифатлар нарсанинг белгисини, равишлар белгининг белгисини номлайди. Сифат ва равиш сўз туркумига оид сўзлар ҳам аслида объектидан ажратилган белгини номлайди. Масалан, қизил, қора ёки тез, шитоб каби лексемалар маълум бир объектлар ёки ҳаракатларга хос сифат, яъни белгилардир. Ушбу сўзларнинг белгиларни мазкур белги ташувчи объектдан алоҳида номлаши уларни абстракт сўзлар дейишга асос бўла олмайди. Белги билдирувчи сўзларнинг абстрактлиги от сўз туркумидаги сўзлардан фарқли мезонлар асосида белгиланади.

“Олам бениҳоя мураккаб, муҳташам ва айни пайтда мунтазам воқеликдир, инсон боласи ибтидоий сезги органлари ва интиҳо билмас ақлий заковати билан бу мураккабликнинг таркибини аниқлашга, бу муҳташамликнинг ҳашамларини идрок этишга, бу мунтазамлик асосидаги мавжуд интизомни инкишоф қилишга тинимсиз уриниш машаққатидан ҳузур қилиб яшайди”<sup>3</sup>. Оламнинг турфа белгиларини сезги аъзолари орқали билиш натижасида ҳосил бўлган сифатлар ва ақлий заковат орқали идрок қилиш натижасида шаклланган белгиларни номловчи сифатларни бир-биридан фарқли равишда ўрганиш мумкин. Бу фарқлилик конкрет ва абстракт сифатлар оппозициясини ташкил қиласи.

Белги билдирувчи сўзларда ифодаланаётган белги ташки сезги аъзоларимиз орқали ҳис қилинса, бу каби сўзлар конкрет белги билдирувчи сўзлардир. Масалан, қўк, юмшоқ, иссиқ, ширин, хушбўй лексемалари ифодалаётган белги сезги аъзоларимизга таъсир қила олади ва биз уни эмпирик билиш орқали сеза оламиз. Куйида эмпирик билиш орқали ҳис қилинувчи конкрет сифатлар келтирилади:

1. Кўриш орқали ҳис қилиш мумкин бўлган белгини ифодаловчи сифатлар: оқ, қизил, қўк, қора, сарик, яшил, пакана, ориқ, семиз, баланд, паст ва бошқалар.
2. Эшитиш орқали ҳис қилиш мумкин бўлган белгини ифодаловчи сифатлар: шовқинли, тинч, овоздор, сершовқин, сокин, нотинч, жимжит каби.
3. Ҳид билиш орқали ҳис қилиш мумкин бўлган белгини ифодаловчи сифатлар: хушбўй, аччиқ, бадбўй, ширин, сассиқ каби.
4. Таъм билиш орқали ҳис қилиш мумкин бўлган белгини ифодаловчи сифатлар: ширин, шўр, чучук, аччиқ, нордон, мазали, бемаза сингари.
5. Тери орқали ҳис қилиш мумкин бўлган белгини ифодаловчи сифатлар: иссиқ, совуқ, қаттиқ, юмшоқ, майин, дагал, силлиқ ва бошқалар.

Агар белги ташки сезги аъзоларимизга таъсир қилмаса, фақат ақл орқали идрок қилинса, бундай сўзлар *абстракт сифатлар* дейилади. Ақлли, доно, иродасиз, камтар, одил лексемалари англатаётган белги фақат ақлий билиш орқали идрок қилинади.

Демак, агар сўз муайян кўриш, эшитиш, таъмини, ҳидини, шаклини билиш мумкин бўлган белгини англатса, бу конкрет сифат, фақат ақл билан идрок қилинадиган белгини билдирса, *абстракт сифат* бўлади. Абстракт сифатлар номлаётган белги бевосита кузатишда берилмаган, уни бешта сезги аъзоси

<sup>3</sup> Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. Тошкент: Mumtoz so'z, 2017. 138-бет.

билин ҳис қилиш мумкин эмас. Улар англатаётган белги миянинг мураккаб операцияси жараёнида шаклланган тушунчаларни акс эттиради. Масалан, камтарин, серҳиммат, олижаноб, ноёб, антиқа, ижтимоий, анъанавий, таҳлилий, обрўли каби.

Абстракт сифатлар субъектив баҳолаш характерида бўлиб, албатта, мазкур белгиларда модаллик мавжуд бўлади. Оппоқ қор, думалоқ коптот каби конкретистлардаги конкрет сифатларда фақат предметнинг ўзига хос дескриптив белгилари ифодаланса, ажойиб қор, ёмон коптот боғланишларидағи абстракт сифатлар эса предметнинг белгиларини эмас, субъектнинг унга берган баҳосини акс эттиради. Тилшуносликда предметнинг ўзига хос белгилари дескриптив, объектив белгилар, субъектнинг муносабати орқали орттирилган белгилар баҳоловчи ёки субъектив белгилар деб юритилиши маълум. Муайян бир белги фақат субъектив ёки объектив компонентга эга бўлиши, ёки ҳар иккала компонент ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Оқ, қизил, қора, узунчоқ, думалоқ каби конкрет сифатларда фақат объектив белги, ажойиб, антиқа каби абстракт сифатларда фақат субъектив баҳо белгиси мавжуд бўлади. Предметнинг шакли ва ранги энг объектив, яъни конкрет, ажойиб, антиқа, зўр кабилар энг абстракт белгилардир. Конкрет ҳисобланган белгиларда дескриптив компонент билан бирга субъектив баҳо ва абстракт ҳисобланган белгиларда эса субъектив муносабат билан бирга объектив белги компонентлари мавжуд бўлиши мумкин. Илиқ конкрет маъноли сўзда предметнинг объектив белгиси – маълум бир ҳарорат ифодаланса-да, ушбу ҳароратнинг “кишига хуш ёқиши”, “меъернинг субъектга мослиги” каби субъектив томонлари ҳам мавжуд.

Абстракт сифатлар гуруҳи таркибида инсоннинг сифатини номловчи, инсон ва ҳайвоннинг сифатини номловчи, жонли ва жонсиз предметларнинг белгисини номловчи сўзларни ажратиш мумкин. Инсоннинг белгисини номловчи сифатлар кўпчиликни ташкил этади. Ушбу гуруҳга бегубор, ботир, вафосиз, виждансиз, доно, зийрак, магур, тўғри, уятчан, фаол каби сифатларни киритиш мумкин. Абстракт сифатлар гуруҳи элементларидан айримлари инсоннинг сифатлари билан бирга ҳайвонларнинг белгисини ҳам номлаб кела олади: айёр, ақлли, беозор, ювош, қўрқоқ, қўрқмас, вафодор каби.

Белги номлари гуруҳи таркибида жонли ва жонсиз предметларнинг белгисини номловчи ҳақиқий, асл, бенуқсон, серқирра, аниқ, мураккаб, оддий, нуқсонсиз, яроқли, керакли, соҳта каби умумий белги номлари ҳам алоҳида бир гуруҳни ташкил қиласди. Улар жонли ва жонсиз табиат элементлари учун бирдай қўлланиши мумкин: нуқсонсиз сурат ёки нуқсонсиз инсон, оддий лойиҳа ёки оддий қиз каби.

Инсонга хос белгини абстракт моҳият сифатида номловчи лексик-семантикурүнни қўйидагича таснифлаш мумкин: 1) инсоннинг характерини ифодаловчи сўзлар; 2) инсоннинг қобилиятини ифодаловчи сўзлар; 3) этик тушунчаларни ифодаловчи сўзлар; 4) эстетик тушунчаларни ифодаловчи сўзлар.

**Инсоннинг характерини номловчи** белги номларига қизиқувчан, қўрқмас, ботир, жасур, ландавур, кўнгилчан, оқкўнгил, содда, камтар, соғдил, қувноқ, магур, камсукум, аблаж, уятчан, тортичноқ, манман, худбин,

димогдор, эркатой, дангаса, меҳрибон, бадгумон, раҳмдили, беражм, қаттиққўл, ёлғончи, ростгўй, вафосиз, бефарқ, хушомадгўй каби лексемалар мисол бўлади.

**Инсоннинг қобилиятига оид белгиларни номловчи** лексемаларга билимдон, билагон, ишибилармон, моҳир, устакор, зийрак, фаол, чидамли, серқирра каби лексемалар мисол бўлади. Мазкур гуруҳдаги лексемалар инсоннинг бирор-бир фаолиятга мойиллигини билдиради. Масалан, зийрак лексемаси ўта сезгирилик қобилиятини номлайди.

Инсонга хос сифатлар таркибида **этик тушунчаларни номловчи** сўзлар алоҳида гуруҳни ҳосил қиласи ва ушбу гуруҳ элементлари инсоннинг ахлоқий белгиларини номлайди: яхши, ёмон, жоҳил, комил, баркамол, одил, ҳалол, пок, тўғри, ахлоқли, одобли, хушмуомала, маданиятсиз, ахлоқсиз, одобсиз, қўпол, душман, золим, қабиҳ, иймонсиз.

Мазкур гуруҳ элементларининг абстракция даражалари жуда юқори бўлиб, улар номлаётган белги ташувчисидан тўла ажralган ҳолатда моддийлик билан алоқаси мавжуд бўлмайди. Масалан, яхши лексемасида “яхши” белгиси субстанция сифатида номланар экан, унинг ташувчиси билан, моддийлик билан бирон-бир боғлиқлиги йўқ. Яхши лексемасининг семантик мундарижасида ҳам белгининг объекти ҳақида маълумот мавжуд эмас.

Инсонга хос сифатлар гуруҳи таркибида **эстетик табиатли** белгилар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу гуруҳни қуидаги лексемалар ташкил қиласи: гўзал, латофатли, назокатли, нафис, нозик (кўчма маънода), жозибадор. Мазкур гуруҳ элементларининг абстракция даражаси этик тушунчаларни номловчи сўзларга нисбатан пастроқдир. Чунки эстетик сўзлар ифодалайдиган белгини ақлий билиш билан бирга ҳис қилиш ҳам мумкин. Масалан, гўзалликни кўз орқали кўриш мумкин.

Инсоннинг сифатини номловчи абстракт сўзларда белги соф ёки қоришиқ ҳолатда ифодаланиши мумкин<sup>4</sup>. Белгини соф ҳолатда ифодаловчи абстракт сифатларга айёр, бегубор, дангаса, димогдор, доно, ёлғончи, зийрак, зукко, калтабин, камтар, камтарин, ростгўй, соғдил, фаҳмсиз каби сўзлар мисол бўла олади.

Инсонга хос белги ва ҳолат оппозициясининг нейтраллашувини қизиқувчан, фаол, айбиз лексемалари англатаетган маъноларда кўриш мумкин. Мазкур лексемалар ҳам инсоннинг белгисини, ҳам шу белги асосида мавжуд ҳолатни номлайди. Масалан, фаол лексемаси кишининг фаол характеристини номлаши билан бирга, шу характеристи асосида ҳосил бўлган ҳолатни ҳам номлайди. Наргиза фаол талаба каби боғланишларда характер, яъни белги бирламчи позицияда бўлса, Наргиза яна фаол бўлди гапида эса ҳолат белгиловчи мавқеда бўлади.

Предметнинг бошқа объектлар таъсирисиз “фақат ўзида” мавжуд хусусиятлари билан унинг бошқа объектлар билан шартланган “ўзидан ташқаридағи” белгиларининг семантик хусусиятлари, абстракция даражалари фарқланиши табиий. Масалан, ақли сўзи англатган белги объектнинг ўзида мавжуд белгидир. Дўстона сўзидағи белги объектнинг

<sup>4</sup> Ҳакимова М. “Белги” маъноли абстракт номлар // ФарДУ Илмий хабарлари. Фарғона, 2011, 3-сон, 36-39-бетлар.

бошқа объектлар билан муносабати асосида вужудга келувчи белгисидир. Ушбу фарқлар “белги” ва “муносабат” тушунчаларини оппозициялаш имконини беради. Лекин бир қатор абстракт номлар мавжудки, уларнинг семантикасида белги ва муносабат оппозициясининг нейтраллашуви кузатилади. Инсонга хос белги ва муносабат оппозициясининг нейраллашуви шафқатсиз, қаттиққўл, меҳрибон, хушомадгўй, тилёглама, лўттибозлексемалари англатаётган маъноларда кўриш мумкин. Ушбу сўзларни белги билдирувчи лексик-семантик гуруҳ таркибида беришимизга парадигматик ҳолатда улар англатаётган муносабат инсонга хос характер, хусусият билан белгиланаётгани сабаб бўлди. Лекин синтагматик реаллашува вазиятдан келиб чиқиб, белги ёки муносабат семаларининг юқори мавқе эгаллашини кузатиш мумкин.

Абстракт сифатларда нафақат икки аъзоли, балки уч аъзоли “белги+ҳолат+муносабат” оппозитив муносабатларининг нейтраллашуви кузатилади. Масалан, вафосиз лексемаси “вафосиз” белгисини, вафо қиласлик ҳолатини, муайян бир объектга нисбатан ваъдани бажармаслик муносабатини билдиради.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилида абстракт отлар билан бир қаторда абстракт сифатларнинг ажратиш лозим. Фақат гносеологик табиатли белгиларни ифодаловчи сўзларнига абстракт сифатлар дейиш мумкин. Абстракт сифатлар ички таркибланишга эга лексик-семантик гуруҳларни ташкил қилади.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада ўзбек тилшунослигида илк марта абстракт сифатлар алоҳида лексик-семантик гуруҳ сифатида ажратилади, сифат сўз туркумида абстрактлик ва конкретлик дихотомиясининг ўзига хослиги очиб берилади. Абстракт ва конкрет сифатларнинг фарқи томонлари таҳдил қилинади. Абстракт сифатларнинг таснифи амалга оширилади ва уларда маънолар зиддиятининг нейтраллашуви таҳдилга тортилади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье впервые в узбекском языкоznании в отдельно лексико-семантическую группу выделены абстрактные прилагательные, раскрывается специфика дихотомии абстрактности и конкретности у прилагательных. Анализируются отличительные особенности абстрактных и конкретных прилагательных. Осуществлена классификация абстрактных прилагательных и анализируется нейтрализация в них противоположности значений.

**RESUME.** In this article, it is defined and compared the abstract adjectives as a detached lexical-semantic group at the first time. It is expressed that the specific peculiarities of the abstract and concrete dichotomy at adjective and analyzed the difference between abstract and concrete adjectives. They are also classified. It is also determined the neutralization of the meaning opposition.

**Таянч сўз ва иборалар:** абстракция, абстракт сифат, ажратилганлик, эмпирик билиш, ақлий билиш, дескриптив белги, субъектив белги, оппозицияларнинг нейтраллашуви.

**Ключевые слова и выражения:** абстракция, абстрактные прилагательные, обособленность, эмпирические знания, рациональное познание, дескриптивный знак, субъективный признак, нейтрализация оппозиций.

**Key words and word expressions:** abstraction, abstract adjective, deduction, empiricist knowledge, rational knowledge, descriptive sign, subjective sign, the neutralization of the lexical opposition.